


I. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16928 тани ташкил қилди. Улардан 2017 йилнинг 1 январь-декабрь ойларида 2353 та кичик бизнес субъектларини (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2016 йилнинг шу даврига нисбатан 119,9 фоизга кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши



Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 34,4 фоизи), савдо соҳасида (26,0 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (12,7 фоиз) ва қурилишда (5,6 фоиз) ташкил этилган.

2017 йил январь-декабрда ялпи худудий маҳсулотнинг 70,6 фоизи (2016 йил январь-декабрда 71,0 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.


2017 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 863,4 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 83,4 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 601,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятида, 137,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

-177,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 90,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 348,0 млн. АҚШ доллари (умумий

импорт ҳажмининг 94,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши (фоизда)



Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Кишлек, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4844,2	99,3
Саноат	2669,4	68,4
Курилиш	1458,9	93,9
Чакана савдо	5905,8	91,2
Юк ташиш, млн тн.	19,7	94,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	413,6	97,2

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан 4844,2 млрд. сўмлик ишлаб чиқариш ҳажми (кўрсатилган хизматлар) ўтган йилнинг тегишли таврига нисбатан ўсиш

суръати 101,2 фоизга (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи) ўсди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2669,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 68,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига нисбатан 105,5 фоизга ўсди;

- 1288,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 42,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига нисбатан 87,9 фоизга ўсди;

- 1458,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,9 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 106,6 фоизга кўпайди;

- чакана товар айланмаси 5905,8 млрд. сўм, умумий ҳажмнинг 91,2 фоизи ёки 103,8 фоизга ўсиш билан, хизматлар умумий ҳажми 3738,2 млрд. сўм, мос равишда 73,7 фоизи ёки ўсиш суръати 101,3 фоизни ташкил этди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 105,5 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 94,7 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,2 фоизи) қўпайиши таъминланди;